

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚЎШМА СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Каримова Нилуфар Хабибуллаевна

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети,
Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация: Мазкур мақола француз ва ўзбек тилларида қўшма сўзларнинг ишлатилиши, қўшма сўзларнинг ясалиши ҳамда уларнинг матнадаги ўрни ва аҳамиятига бағишиланган.

Калит сўзлар: тилшунослик, кесим, эга, компонент, сўз туркумлари.

Аннотация: Данная статья посвящена употреблению сложных слов во французском и узбекском языках, образованию сложных слов, их месту и значению в тексте.

Ключевые слова: языкоznание, причастие, носитель, компонент, группы слов.

Abstract: This article is devoted to the use of compound words in the French and Uzbek languages, the formation of compound words and their place and importance in the text.

Keywords: linguistics, participle, possessor, component, word groups.

Ҳаммамизга маълумки, қўшма сўзлар- икки ёки ундан ортиқ ўзак морфеманинг қўшилишидан ҳосил бўлган ва ягона структур-семантик бирликни ташкил этган сўзлар. Масалан бунга бир нечта ўзбек тилида мавжуд сўзларни мисол қила оламиз: қўзойнак, билагузук, учбурчак, атиргул, бўтакўз, номоз-шомгул, меҳмондўст, баландпарвоз, эркесвар, жигарранг кабилардир.

Қўшма сўзлар ясалиши учун асос бўлган сўзлар ўзларининг дастлабки маъноларини қисман ёки бутунлай йўқотади: улар биргаликда тамоман янги лугавий маъно билдиради. Чунончи, ош ва қозон сўзлари алоҳида лексемалар сифатида ўз лугавий маъноларига эга. Лекин уларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган ошқозон сўзи мазкур сўзларнинг дастлабки маъноларидан фарқланувчи янги маънони — “инсон ва ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш аъзоси” маъносини билдиради. Қўзикорин, итоғиз, оқсоқ, оқсуяқ, кампирчопон сингари қўшма сўзлар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Қўшма сўзлар қисмлари орасидаги маъно муносабати ҳар хил. Улар ўхшатиш, қиёслаш масалан, карнайгул, отқулоқ, туюқуш, шерюрак, қўйкўз кабилар, хослик, бирор нарсага мўлжалланганлик мисол учун гултувак, молқўра, оловкурак, токқайчи, қийматахта, бирор ўрин-жойга мансубликни ифодалайдиган, яъни сувилон, тоғолча, чўлялпиз, қўқонарава, бирор белгига нисбат бериш, масалан аччиқтош, олақарға, шўрданак, қизилиштон, Қизилтепа, миқдорга муносабат, яъни бешбармоқ, мингоёқ, қирқоғайни, бешариқ ва бошқа маъноларни англатади.

Қўшма сўзлар структураси мавжуд синтактик алоқаларни эслатади, бошқача айтганда, қўшма сўзлар эга-кесим муносабатида, бошқарув, мослашув. битишив алоқаларида бўлган сўз бирикмалари асосида юзага келган. Масалан, гўшткуйди, келинтушди каби сўзлар. Қўшма сўзлар эга ва кесим муносабатини эслатса, тўйбоши.

томорқа, кўзойнак каби қўшма сўзлар эса мослашувни, китобсевар, дунёқараш кабилар бошқарувни, хом-калла, кўксултон, исқабтопар кабилар эса битишувни эслатади.

Қўшма сўзлар от, сифат, равиш ва қисман феъл туркумида тарқалган. Уларнинг компонентлари бир сўз туркумига ёки турли сўз туркумларига мансуб бўлиши мумкин. Mac, қўшма отлар от+от (белкурак), сифат+от (оқкуш), сон+от (саккизоёқ), феъл+от (ёрилтош), от+феъл (бўйўсар), феъл+феъл (Сотиб-олди, ишлабчиқариш) каби қолипларда бўлади. Бошқа сўз туркумларига оид қўшма сўзлар ҳам ўзига хос қолиплар асосида ясалади.

Хозирги кунга қадар қўшма сўзлар кўпгина олимлар томонидан тадқиқ қилинган, айниқса ўзбек тилшунослигига қўшма сўзларни ўрганиш бўйича А. Ҳожиев, Б. Мадалиев, Н. Маматов ва бошқалар томонидан анчагина изланишлар олиб борилган.

Академик Азим Ҳожиевнинг таърифича, “қўшма сўз — мустакил лексик маъноли икки, баъзан уч компонентнинг ўзаро тобе боғланиши асосида ташкил топган сўздир: *белбоғ, отқулоқ, гултожижхўрозд, эркесвар, киноаппарат* каби”.

Биз қўшма сўзларнинг келиб чиқиши, таркиби ва грамматик хоссалари ҳақида тўхтамоқчи эмасмиз. Мақсад — қўшма сўзларни луғатларда тўлиқроқ акс эттириш заруратини далиллашдан иборат, зеро бундай сўзлар ўзбек лексикасини бойитишнинг энг катта манбаларидан биридир.

Агар барча қўшма сўзлар луғатга олинса, луғатларимиз бинойидай бўлиб қолади. Аксар қўшма сўзлар эса ўзбек тилининг имло қоидалари тақозосига кўра ажратиб ёзилади. Аммо ўша “тасдиқланган имло қоидалари”нинг ўзи қанчалик асосли, бу баҳсли масала. Масалан, *омонат касса* деб ёзилади, хатони тўғри деб қабул қилишга мослашмаган одам касса омонат экан, деб тушунади. Тўғриси, *омонаткасса* бўлиши керак. *Омонатдафттарча* — маблағингиз қайд қилинадиган дафттарча, *омонат дафтар* эса — ҳилвираб, омонатгина бўлиб қолган дафттарча. Кишилар нутқида ҳам улар битта сўз тарзида (қўшиб) талафуз қилинади. Аммо луғатларимизда бу тушунча-сўзлар йўқ. Ўзимиз ёзиб, ўзимиз тасдиқлаган “қоидалар” доирасига сифмагани учунми?

Назаримизда, қайси сўзлар қўшма сўзу қайсилари қўшма сўз эмаслиги тилшунослигимизда аниқ фарқлаб берилмаган. Масалан, бироз, бирпас сўзлари қўшиб, аммо бирқанча, бирқадар сингари сўзлар эса ажратиб ёзиляпти. Нега, нимага асосланади бу, дейдиган одам йўқ.

Ҳолбуки, қўнглибўш одам деганда бошқа, қўнгли бўш деганда яна бошқа маъно чиқади. Кўп болали одам — болали одамларнинг кўплигини, кўпболали одам эса бир одамнинг боласи кўплигини англатади. Серфарзанд деган тожикча сўзни битта қилиб ёзганимиз ҳолда, кўпболалига келганда бу иккита сўзга айланиб қолади имло қоидаларимиз тақозоси билан.

Масалан, тилимизда чилонжийда, маккажўхори сингари ўнлаб сохта қўшма сўзлар ҳам борлигини айтиб ўтайлик. Чунки чилон бошқа, жийда бошқа дарахт (Чилонзор, чилонжийдазор эмас). Макка билан жўхори (тўғриси – жугари) ҳам бўлак экинлар. Аммо бу чалкашлик шу қадар илдиз отдики, кўп одамлар маккани жўхори деб атайдиган бўлиб қолган. Боз, айрим одамлар қизил қалампир (красный перец), қора мурч (черный перец) деб ҳам қўллашяпти. Русларда бу икки тушунчага алоҳида сўз йўқ, ранги орқали ажратиб изоҳлашади, биз эса улардан таржима қилиб, бузиб ишлатяпмиз.

Қўшма сўз ажратиб ёзилса, маъно бузилиб ҳам кетади. Масалан, дунё — олам дегани, бехабар — хабари йўқ, деган маънони билдиради. Дунё бехабар десак, дунёнинг бу

янгиликдан хабари йўқ экан, деган маъно чиқади, дунёбехабар деганда эса тушунчаликни паст одамни тушунамиз.

Француз тилида ҳам жуда кўп қўшма сўзлар ишлатилади уларнинг қайсиdir бири чизиқча билан, баъзилари қўшиб, айримлари ажратиб ёзилади. Масалан, Un *bonhomme* (un «bon homme», à l'origine); un *portefeuille* қаби сўзлар қўшма сўзлар қаторига киради. Une *garde-malade* (qui s'occupe, garde un ou une malade), un *taille-crayon*. Мазкур сўзлар ҳам қўшма сўзлар бўлиб, от ва феълдан, сифат ва отдан тузилиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Сафаров Ш. Прагмалингвистика.-Т.: 2008. -Б.45-47.
2. N.I.Formonovskaya speech communication: communicative-pragmatic approach.M., 2002 . -P.23
3. K.A.Dolinin. Interpretation of a text. – M.: Prosvesheniye. 1985. -283.
4. Yu. Apresyan. Connotation as a part of word pragmatics//selected works. I, II; Integral description of a language and system of lexicography. M., 1995.
5. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory And Its Reflection In French Phraseology." Journal of Positive School Psychology (2022): 2883-2889.
6. Ilhomovna, D. D., & Ostonovich, B. O. (2024). Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek Phraseology. American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769), 2(1), 348-354.
7. Ilhomovna, D. D., & Ostonovich, B. O. (2024). Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek Phraseology. American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769), 2(1), 348-354.